O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 28 IYUN ◆ PAYSHANBA ◆ № 74 (26.776)

МАРРА

АНДИЖОННИНГ УЛКАН ХИРМОНИ

Андижон вилояти деҳқонлари давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини бажарди. Давлатга 241,5 минг тонна ғалла топширилди. Ўрим-йиғим ўтказилган майдонларда ҳосилдорлик гектар бошига 75 центнерни ташкил этди. Ғалладан юқори ҳосил етиштиришда оилавий пудратчилар билан дон ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш юзасидан тузилган ички шартномаларга қатъий амал қилингани муҳим аҳамият касб этди. Бу йил Андижонда яратилган «Чиллаки» навининг кенг жорий этилиши сув тақчиллигининг олдини олиш, эртаги ва мўл ғалла етиштиришда жуда қўл келди.

Эришилган ғалабага Андижон, Избоскан, Улуғнор, Бўз, Олтинкўл, Асака, Пахтаобод туманларининг ғаллакорлари, айниқса, катта ҳисса қўшди. 14 туман, 194 хўжалик, 1691 фермер хўжалигининг барчаси шартномавий режани бажарди. Вилоятда ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаш, такрорий экинлар экиш ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

■ (ЎзА)

ЖУРНАЛИСТЛАР ШАРАФЛАНДИ

2001 йил 26 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан партия марказий матбуот нашрлари ходимлари учун байрам тадбирини ташкил этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов тадбир иштирокчиларини байрам билан табриклаб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг матбуот нашрлари, хусусан, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали жамиятимизда кечаётган туб ўзгаришларга муҳим ҳисса қўшаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан таниқли шоир, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим Суюн, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Сайёра Хўжаева, журналист Алишер Ибодинов, «Мулоқот» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Абдурашид Раупов, ХДП Тошкент вилояти кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлашган истиқлол маънавиятини шакллантириш каби олийжаноб ишларда, жамоатчиликни тезкорлик билан хабардор қилиш борасида, нафақат ХДП марказий нашрларининг ходимлари, балки вилоят, шаҳар, туман ва бошланғич партия ташкилотлари нашрларида меҳнат қилаётган журналистлар, техник ходимлар, жамоатчи муаллифлар жонбозлик кўрсатаётганликлари тўғрисида сўз юритдилар.

Санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга алоҳида руҳ ва кўтаринкилик бахш этди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ҚАЛБИМИЗДА ВАТАН ТУЙҒУСИ

Хаёлимга бир фикр келди: чоризм даврини ким қандай билади?

Мен бобомдан сўрадим: «у кунларни эслатма менга», — деди.

Мен дўстимдан сўрадим: у чоғлар ўтиб кетди, ҳозир қутлуғ кунда яшаяпмиз. Озод Ватан қўйнида, — деди.

Мен синглимдан сўрадим: улар фақат тарихда. Мен озод Ўзбекистонни биламан, унинг учун яшайман, унинг равнақи учун хизмат қиламан, — деб жавоб берди у.

Нимагадир кўнглимга зиё ингандай бўлди. Бу кунларга эришиш осон бўлмаган, оталарим қони тўкилди, оналар кўзида қатра ёшлар қотиб қолди. Дўстимни ўзига оғдирмоқчи бўлди. Укаларимни манқурт қилмоқчи бўлди. Бугун эса озод Ўзбекистон байроғи дунё бўйлаб ҳилпирамоқда, бошимизда қуёш чарақлаб турибди. Ана шу қутлуғ кунлар ҳар бир инсон юрагида озодлик қўшиғини айтиб турибди.

Тошкент шаҳридаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган «Қалбимизда Ватан туйғуси» шиори остидаги мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган тадбирда шу озодлик қўшиғининг жарангдор овозини эшитдим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамда «Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу тадбир ҳар бир қатнашчи қалбига ўзгача сурур олиб кирган бўлса не ажаб.

Сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов ҳар бир инсон, шу Ватан фарзанди мустақиллик неъматини асраши, ватанпарварлик туйғусини қалбига жо қилиши, озод мамлакат равнақи келажак авлоднинг бугунги фаолияти билан боғлиқлиги ҳақида сўзлади.

Халқ демократик партиясининг бу галги тадбири мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказаётган байрам дастури эканлигини, ҳали бу каби байрамлар республикамизнинг чекка-чекка туманларида ҳам давом этишини айтиб ўтди.

Шунингдек, бошқа сўзга чиққанлар ҳам озод Ўзбекистоннинг шонли йўлини сизу бизнинг нигоҳимизда кўраётганлигини айтиб ўтишди. Байрам қўшиқларсиз, рақсларсиз ўтмайди. Бу байрам ҳам худди шундай бўлди. Лекин, бу ўзгачароқ бошланди.

Миллат миллат бўлиб шаклланади, қачонки ўзлигини унутмаса, ундан миллийлик уфуриб турган бўлса. Миллий келин либослари даврада саф тортди. Донохон Файзуллаева раҳбарлигидаги «Келин либослари» фирмасининг махсулотлари намойиш этилди.

Ҳеч қайси миллатга хос бўлмаган ибо, ҳаё ўзбек қизлари юзида уфуриб турибди. Қадамидан чақин чақнайди, бу эл фарзандларининг. Илоё шу кунлар сурури осмон қадар кенгайсин. Ана Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова саҳнада хиром айлаяпти. Бу ибо, бу латофат бутун бир миллатнинг миллийлик тимсолини кўрсатмайдими?! Ана эстрада хонандаси Шуҳрат Воҳидовнинг овози «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбархон Юнусова раҳбарлигидаги «Етти гўзал» гуруҳи рақсларини даврага чорлаяпти. Томашабин хаёлини гўзаллик билан йўғрилган миллийлик уммони олиб кетганлигини ҳис қилдим.

Дарвоқе, рақсга ўйнаганда, хонанда куйлаганда енгил кайфият ҳукмронлик қилади. Нимагадир кўнглингда сурур бахш наво таралади. Ўзбек санъатининг юлдузи Юлдузхон Абдуллаева қўшиқлари барчани тўлқинлантирди, само узра бахтиёр ёшлик садоси таралди. У севгидан, вафодан куйлади. Ватаннинг содиқ фарзандлари номидан куйлади.

Яна шуни ҳам эътироф этиш керакки, баҳодир йигитлар майдонга чиқиб тош кўтариш санъатини намойиш этишди. Халқ демократик партияси ходимлари бир қанча ёшларга шу ернинг ўзида аъзолик билетларини топширди. Иқтидорли талаба ёшларга партиянинг махсус совғалари топширилди. Бундан ташқари Республика «Модалар уйи» томонидан ёзги мода кийимлари намойиши ҳам ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига қарашли бадиий гимнастика гуруҳининг кўргазмали чиқишлари бўлди. Мустақиллик ҳақидаги викторина саволлари билан ёшларнинг билим даражалари синаб кўрилди.

Ўзбек санъати зафаматкаш инсонларидан бири Муҳаммаджон Шукуров (Муҳаммад гармон)нинг аскиянамуз қўшиқлари, хонанда Муборакхон Абдуҳамидованинг жозибали овози кўнгилларга илиқлик олиб кирди.

Бу галги «Жума оқшоми» талабалар, ота-оналар сўзларига қараганда, мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи арафасида бўлганлиги, шу билан ўзгача тарзда кечганлиги завқлидир.

Бир сўз билан айтганда, ОЗОДЛИК, МУСТАҚИЛЛИК алёри ёшлар овозида янгради.

■ Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли, «Ўзбекистон овози» мухбири



■ Владимир ПАНОВ олган сурат

КОМПАКТ-ДИСК ЧИҚАРИЛДИ

Миср вақф вазирлиги ва Ислом ишлари бўйича олий кенгаши француз, немис, испан, индонезия ва рус тилларида «Қуръони Карим тавсири»ни ўз ичига олган компакт-диск чиқаришди.

Тавсирнинг арабчадан рус тилига таржимаси ўзбек шарқшунослик институтининг олимаси, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг араб филологияси кафедраси мудираси, филология фанлари доктори, профессор Раъно Хўжаева таҳрири остида амалга оширилди.

Компакт-дискда, шунингдек, Қуръони Карим матнининг икки хил кўриниши — ўрганувчилар учун ҳамда қироати ёзилган.

■ Бахтиёр ИРИСОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Қоҳира

ЯНГИ МАРКАЗЛАР ИШ БОШЛАДИ

Қизил Ярим ой жамияти Қашқадарё вилоят кенгаши қошида Испания Қизил хоч ва республика Қизил Ярим ой жамияти миллий кенгаши ҳомийлигида тиббий-ижтимоий марказ очилди. Марказ барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Компьютер, видеомослама, телевизор, кодаскоп, факс, ксерокопия ҳамда қаттиқ-юмшоқ мебеллар марказнинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил ҳисобланмоқда.

Фавқулодда вазиятларда, яъни шикастланиш, қон кетиш содир бўлса, шунингдек, нафас олиш ва юрак уриши тўхтаб қолган ҳолларда кишиларга биринчи тиббий ёрдам беришни ўргатиш ҳамда якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, муҳтожларга тиббий ёрдам кўрсатиш марказнинг асосий мақсади ва вазифасига киради.

Шу кунгача бир қанча мактаб ва лицей ўқувчилари, хотин-қизлар ва турли табақадаги аҳоли марказ сабоқларидан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, 200 дан ортиқ муҳтожларга тиббий ва меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Яна бир гап. Финляндия Қизил хоч жамияти ва республика Қизил Ярим ой жамияти миллий кенгаши ҳомийлигида «Ёшлар марказ» очилди. Бу марказ ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Ушбу марказ ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ҳамда турли юқумли касалликларнинг олдини олишга оид тарғибот ишларини кўнгилли ёшлар ёрдамида амалга оширади, — дейди Қизил Ярим ой жамияти Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси Фарҳод Рўзиев. — Бундан ташқари муҳтожлар орасида хайрия ишларини олиб боради.

■ Илҳом КАРОМОВ

ШУ СОНГА ХАБАР

ЎҚИТУВЧИГА ЭЪТИБОР – МИЛЛАТГА ЭЪТИБОР

Бугун пойтахтдаги «Туркистон» саройида республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси иш бошлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан тасдиқланган тадбирлар дастурида республика ўқитувчиларининг биринчи конференциясини ўтказиш ҳам кўзда тутилган эди. Ана шу мақсадда конференцияни ташкилий жиҳатдан муваффақиятини таъминлаш, унинг кўтаринки руҳда ўтишига эришиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг февраль-май ойларида узлуксиз таълимнинг ҳар бир турига тегишли барча таълим муассасаларида махсус педагогик (илмий) кенгашлар, туман ва вилоятлар миқёсида ўқитувчилар конференциялари ўтказилиб, республика конференцияга вакиллар сайланган эди.

Бугун иш бошлайдиган конференциянинг республика босқичида узлуксиз таълимнинг барча турларидан сайланган 792 нафар вакил, турли вазирлик ва идоралардан, хорижий давлатлардан таклиф этилганлар иштирок этади. Конференцияни ўтказишдан мақсад истиқлол йилларида таълим тизимини такомиллаштириш, уни замон талабларига мувофиқ тарзда ташкил этиш борасидаги ишларни таҳлил этиш ва бу чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ йўл-йўриқларини ишлаб чиқишдан иборат.

■ Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

МУДОФАА ТИЗИМИ ПОЛЬШАДАН БОШЛАНАДИ

Америка Президенти Жорж Бушнинг кўпдан буён дунёвий мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ракеталарга қарши мудофаа тизими режаси, ниҳоят Варшавада ўзининг биринчи амалий тасдиғини топди.

Польша мудофаа вазири Бронислав Коморовский берган маълумотга кўра, Польша АҚШнинг ракеталарга қарши мудофаа тизими элементларини ўз ҳудудида жойлаштиришга тайёр. Бунда асосан антибаллистик ракеталар, радарлар, учирувчи ускуналарнинг жойлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Маълумки, Польша НАТОнинг расмий аъзоси. Аъзо бўлганда ҳам Шарқий ҳудуддаги чегараларни белгилаб турувчи муҳим стратегик нуқта ҳисобланади. Шу маънода Жорж Бушнинг Польшага ташрифи ҳар икки мамлакат учун ҳам стратегик жиҳатдан зарур ютуқлар келтиргани шаксиз. Бугун Ғарб ва Шарқ ўртасида муҳим геополитик аҳамият касб этаётган Польша мазкур ташаббус билан ўз позициясини янада мустаҳкамлади. Тан олиш керакки, поляк сиёсатчилари мамлакатнинг геополитик жойлашувидан фойдалана олаяптилар. Умуман Польшанинг НАТО ва ЕИга бўлган интилишини фақат сиёсий-иқтисодий қизиқишлар билан ўлчаш нотўғри бўлади. Мамлакатда ўтказилган референдумдан маълумки, НАТО аъзолигига 90 фоиз поляклар овоз беришган бўлса, Европа Иттифоқига кириш 89 фоиз поляклар томонидан қўллаб-қувватланган. Ва бугун Польша ҳукумати томонидан юритилаётган сиёсат поляклларнинг хоҳишларини ифодалайди. Польша дунёдаги энг нуфузли католик мамлакат эканлигини ҳам қайд этиш лозим. Польшанинг Европа Иттифоқига тўлақонли аъзо бўлиш истаги ҳам ҳеч кимда эътироз туғдираётгани йўқ. Хусусан, Германия канцлери Герхард Шредер Польша Бош вазири Ежи Буцек билан бўлиб ўтган суҳбатида ЕИга аъзо бўлиш муддатини тезлаштиришга ваъда берди. Европа Иттифоқининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишидаги маълумотига кўра, 2003 йилга келиб ЕИнинг тўлақонли аъзосига айланиши мумкин бўлган мамлакатлар қаторида Польша ҳам бор.

Бугун Польшанинг жаҳондаги асосий стратегик ҳамкорлари АҚШ, Германия, Франция ва Буюк Британия ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг ҳар бири учун Польшанинг геополитик аҳамияти жуда муҳим.

Польша собиқ иттифоқ давлатларини Европа бозорига жалб этишида ҳам имтиёзли имкониятга эга. Хусусан, Украина билан муттасил алоқада. Таъкидлаш жоизки, яқинда мамлакатимиз Президенти иштирок этиб келган ГУУАМ иқтисодий лойиҳаларининг амалиёти ҳам Польша орқали ўтиши режалаштирилган. Шунингдек, Европа расмий доираларининг ГУУАМга нисбатан алоҳида қизиқишлари ҳам маълум. Агар бу ташкилотга режалаштирилаётганидек Руминия ва Болгария ҳам жалб этилса иқтисодий ҳамкорликнинг ғарбий мақоми янада ортади.

■ Малик МАНСУР

ОЧИҚ ГАПЛАР

«БИР БАЛИҚҚА ҲАМ СУВ КЕРАК»

Одамзот азалдан балиққа ўч. Қадим-қадимдан Хоразмда чойхоналар вазифасини аҳоли истиқомат жойларидаги «балиқхона»лар бажариб келган. «Уч ой ковуним, уч ой совуним, уч ой қовоғим, уч ой чавоғим» деган матал шундан қолган. Табиий сув ҳавзаларида етиштирилган балиқни аҳоли йилнинг бутун бир фасли учун ризқ билган халқлар дунёда кам.

«Хоразм балиқ маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти раиси Қуронбой Отажонов гапнинг лўндасини айтадиқўяди. Гап оҳангида қуйиниш бор: «Ҳар йили 15 июндан бошлаб савдо шаҳобчаларимизга кўп миқдорда балиқ чиқарардик. Шу пайтгача балиқлар етиларди-да. Бу йил эса.... яна бир ойларда дастлабки маҳсулотни чиқарсак-да катта гап...»

Сабаби, оқар сувнинг камлиги. Жамиятнинг 1528 гектар сув ҳавзалари икки туман — Хива ва Янгиариқ туманлари оралиғида жойлашган. Айтиш керак, сув танқислигидан энг кўп азоб чеккан ҳам шу икки туман деҳқонлари.

Йилнинг ўтган даврида асосий сув таъминоти манбаи бўлган «Саёт» ариғидан сув келмаган. Фақат май ойининг охирларидан бошлаб бироз сув — ундаям баъзи кунлари бир куб ҳажмида сув берилган, холос. Натижада «Жирмиз» заҳкашидан сув олишга мажбур бўлинган. Яна бир ариқ «Шўр солма» эса жамиятнинг 1-3 бўлимларига сув етказиб бериши керак. Бу ерда ҳам аҳвол шу.

Балиқ сув билан тирик. Айниқса, увилдириқ сочадиган урғочи балиқлар боқиладиган ҳовузлар доимий равишда оқар сув билан таъминланмас экан, уруғ қўйиши ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг оқибатида мавсум учун чиқарилган қирқ миллион дона личинкадан бор-йўғи ўн беш миллионини сақлаб қолишга эришилган, холос.

Жамият ихтиёридаги табиий сув ҳавзаси «Шўркўл»да оқар сув кириб турмаганидан ўтган даврда сувнинг шўрланиш даражаси ошиб кетган. Одатда энг семиз, ширин балиқлар боқиладиган «Шўркўл»да ҳозирда балиқ қолмаган. Аниқ ҳисобкитобларга қараганда, сув ҳавзаларида меъёр учун зарур бўлган сувнинг эллик фоизи бор.

Жамиятда икки юз эллик нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ойлик маошлари 12 минг сўм атрофида Ўтган йили олинган икки миллион етти юз минг сўм фойданинг ҳаммаси жамият аъзоларига дивиденд сифатида тўлашга сарфланган.

— 2000 йилда 1298 тонна балиқ етиштириш режамиз бор эди, — дейди раис. — Йил якунида эса 920 тонна бўлди. Агарда сув етарли бўлганида тағин 350 тонна балиқ топширганимизда, фойдамиз ўттиз беш миллиондан ошган бўларди...»

Раис бу билан ҳиссадорларга берилган дивиденднинг камлигини кўрсатмоқчи. Раҳбар учун ҳар бир килограмм балиқ ҳисобда. Чунки, ҳиссадорлар йилнинг яхши якунланиши тарафдори. Шунда даромад бўлади, чўнтакларига мўмай пул тушади. Бир йиллик меҳнатингга ўн минг сўм дивиденд олиш қайда-ю юз минг сўм олиш қайда?

Тўғри, сув муаммоси барчага тенг. Аммо, балиқчилик соҳасига... Бу йил балиқчилар 1300 тонна балиқ етиштиришга аҳд қилишган. Бу — тахминий режа. Янада тўғрироғи, соф фойданинг кўп бўлишига мослаб тузилган режа. Аммо, сув танқислиги шароитида бу режа бажарилишига ишонч йўқ. Чунки, ўтган йили олти ойда 116 тонна балиқ топширилган бўлса, бу йил... ҳали бир килограмм ҳам топширилмади. Чунки суви кам ҳавзаларда балиқларнинг етилиш жараёни кечикди. Балиққа етарли оқар сув бўлмаса қийин экан.

Бу каби муаммо ва қийинчиликлардан балиқчиларнинг кайфияти тушмагани кишини қувонтиради. Ҳиссадорлар эл-юрт дастурхонига имкон қадар кўп балиқ, балиқ маҳсулотлари етказиб бериш учун кеча-кундуз меҳнат қилишмоқда.. Жамоа аҳил, шароитни тушунади. Юртбошимизнинг сув танқислиги шароитида Қуйи Амударё минтақаси аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида чиқарган Фармони барчага куч-қувват бахш этди.

Шундай шароитда... Россиянинг Новосибирск шаҳридаги бир фирма билан ҳамкорликда йилига уч миллион шартли банка балиқ консерваси ва 160 тонна балиқ уни ва мойи ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши битказилган. 412 минг доллар миқдоридаги ушбу ҳамкорлик натижаси ўлароқ тағин 60 киши иш билан таъминланиши ва аҳолига янги, замонавий технологиядаги балиқ консервалари етказиб бериш имкони яралади. Янги корхона энг кечи билан кузнинг биринчи ойидан бошлаб дастлабки маҳсулотни сотувга чиқаришга киришади.

— Юртбошимизга раҳмат, — деди ҳиссадорлар етакчиси. — Ҳукумат дастурига бизнинг жамият учун зарур бўлган консерва корхонаси лойиҳаси киритилгани хўп зўр иш бўлди. Эндиликда тайёр маҳсулот етиштириш ва уни ҳатто хорижга чиқаришимиз мумкин бўлади.

«Излаган имкон топади», деган матал бор. Буни одатда кўпроқ деҳқонларимизга нисбатан ишлатамиз. Аммо, сув танқислиги шароитида бу иборани балиқчиларга нисбатан қўлласакда матал айнан ўз ўрнига тушади.

■ Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мамлакатимиздаги ҳар бир вилоят, туман, ҳар қайси шаҳар-қишлоқ — барчасининг ўзига хос қиёфаси, файзу таровати бор. Шулар орасида Тошкент вилояти алоҳида ажралиб туради.

Вилоятнинг кенг далаларини кезиб, қишлоқларни ораласангиз, Одам Ато ва Момо Ҳаводан буён аждодлар босиб ўтган йўллардан ўтгандек бўласиз. Бугун қадимда йирик савдо ва ҳунармандчилик шаҳри бўлган Қанқа ҳам Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган. Қазилма ва топилмалар гувоҳлик бераётган бу қадим шаҳарни ЮНЕСКО ўз ҳисобига олган. Ёдгорлик аждодлар салоҳияти, ақл-идроки, касбу маҳорати, шижоату жасоратидан ҳайратли бир гултож бўлиб турибди.

Қадимий Қанқанинг юқори қалъа-қўрғонининг пахса деворларидан туриб тўрт томонга назар солсангиз олис-олисларга ёйилиб кетган бир воҳани кўрасиз. Бу — бугунги авлоднинг, ўз мустақиллигига эришган халқнинг ўз аждодларига қўйган ҳайкали эканлигига имон келтирасиз.

Қанқанинг тарихи шунчалик кўҳнаки, «Авесто»да унинг шаён-шавкати мадҳ этилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида эса Қанқа Турон ҳукмдори Афросиёбнинг пойтахтига муқояса қилинади. Бу шундай қадимий воҳа!

Яна Тошкент вилояти деганда кўз олдимизда Чотқол, Чимён каби тоғлари, серҳосил далалари, улкан саноат корхоналари, замонавий шаҳарлари, файзли қишлоқлари, сўлим боғ-роғлари бўлган гўзал бир воҳа намоён бўлади.

Мазкур қўш саҳифамиз қадим ва навқирон Тошкент вилоятига бағишланади. Вилоят аҳли истиқлолимизнинг ўн йиллигини қандай кутиб олишмоқда?

Қуйида ана шу эришилган эзгу ишлар ва муваффақиятлар хусусида, қолаверса, амалга оширилажак келажак режалар хусусида ҳикоя қилинади.

ИСТИҚЛОЛ,
МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

Ислом КАРИМОВ:

Тошкент вилоятининг меҳнаткаш, мард, танти халқи мўъжизалар яратишга қодир, ўзининг нияти холислиги, дили поклиги, аҳиллиги, ташаббускор ва тадбиркорлиги билан иззат-ҳурмат, эътибор қозониб келаётган халқ. Бундай фазилатларга эга инсонларни Яратганнинг ўзи ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

- **Ҳудуди — 15,3 минг квадрат километр**
- **Аҳолиси — 2370,2 минг киши**
- **Зичлиги — 1 кв. км. — 154,9 киши**
- **Тузилиши — 15 туман, 16 шаҳар, 16 шаҳар қўрғони ва 146 та қишлоқ фуқаролар йиғинларидан иборат.**
- **Аҳолисининг таркиби — 80 миллат ва элат яшайди.**

ЮРТБОШИ НАЗАРИ ТУШГАН ФАРЗАНДЛАР



Бекобод туманининг чекка бир қишлоғилик Абдумўмин ва Муҳаббат Абдумавлоновлар бугун ҳар қанча қувонсалар арзийди. Чунки уларнинг мард ва жасур фарзандлари Аъзам, Фарруҳ, Парвиз Абдумавлоновлар отаонаси, ҳамқишлоқлари, ҳамюртлари, қолаверса, она-Ватанларини бутун дунёга танитдилар.

Бу уч оға-ини спортчиларни истиқлол тенгдошлари десак ҳам бўлади. Тўнғич полвон Аъзам 13, ўртанчи полвон Фарруҳ 11, кенжа полвон Парвиз 8 ёшда. Манаман деган катта ёшдаги каратэчилар ҳам уларга ҳавас қилсалар арзийди. Ёш каратэчилар тўплаган медаллар шодасининг ўзи кўзни қамаштиради.

Энг кўп медаль Фарруҳда — 30 та! Шундан 20 таси — олтин. Аъзамнинг 25 та медалидан 17 таси, Парвизнинг 19 та медалидан 11 таси — олтин. Кўпи жаҳон, Европа, Осиё биринчиликларида ва бошқа халқаро мусобақаларда қўлга киритилган.

ЭЗГУЛИК

КАМАРБАСТА



Доимо яхши тадбиркорнинг бошидаги, қутлуғ ниятдаги, эзгуликка мойил кишилар ҳақида маҳалла-кўй, атрофдагиларни гапиртирсангиз илиқ истакларни эшитасиз.

«Эй, фалончининг отасига балли» ёки «Фарзандларини ҳам, халқини ҳам ўйлаган одам экан», дейишади.

Азалдан қишлоқдошлари орасида обрў-эътибор топиб келган Мардон Тоиров фермерлик ҳаракатининг илк қалдирғочларидан бўлиб, ўзи ишлаб келган Бўка туман Навоий хўжалиги ҳудудида Амир Темур фермер хўжалигини тузиб фаолиятини бошлаган эди. Иши чакки бўлмади. Фермер хўжалигининг ҳар бир аъзоси, ҳалол ишлаб, пешона тери эвазига мўмай пул топишди. Айни кезда улар буғдой ўриш комбайнига, ерни шудгорлайдиган «Т-4» русумли техникага, иккита «Т-28» тракторларга эга.

Мардон Тоиров ўтган йили 11 гектар буғдой экиб, 50 центнердан ошириб, 55 тонна ҳосил олди. Шартномадаги 27 тонна ўрнига 43 тонна буғдойни қабул пунктига топширди. Даромад 1 миллион 800 минг сўмдан ошди. Шунингдек, фермер 15 гектар пахта экди. Ҳар гектар ердан 27 центнер ўрнига 38 центнердан ошириб ҳосил олди. Давлатга 53 тонна пахта сотди. Бундан 3 миллион 300 минг сўм даромад қилди. Яна 1,5 тонна пахта ёғи, 8 тонна шрот, 6 тонна шелуха олиб аъзоларига тарқатди.

... Қишлоқ. Кенг далалар, қиру адирлар ижодкор табиатнинг бетакрор асаридир. Фермер Мардон Тоиров ҳам ундан ҳайратланади. Нияти — дастурхонимизга иложи борича кўпроқ истеъмол маҳсулоти етказиб бериш. Шу маънода Амир Темур деҳқон-фермер хўжалиги ҳам сўнгги 3-4 йил ичида иқтисодий жиҳатдан тўла ўзини тутиб олди. Жамоада ишловчиларнинг рўзғорига барака кирди.

Мардон фермердан келажакдаги режалари хусусида сўраймиз.

— Ун тегирмонимизни заводга айлантирмоқчиман. Ёнида шу қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатадиган иссиқ нон корхонасини қурмоқчиман, — дейди у. — Еримизни яна 30 гектарга кенгайтирмоқчиман. Озод юртимиз фаровонлигига озгина бўлса-да ҳисса қўшолсак бахтиёрмиз.

Суратда: Мардон фермер.

РАҚАМЛАРДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

- *Ўтган йил ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 317,2 миллиард сўмни ташкил этди.*
- *Вилоят саноатида 212 корхона мавжуд. Қуввати даражаси бўйича Ўзбекистонда 4-ўринда туради.*
- *Нодавлат мулк салмоғи 80,0 фоизни ташкил этади.*
- *Вилоятда 133 та қурилиш ташкилоти мавжуд. Биргина 2000 йилда 396,3 миллион сўмлик (1991 йил нархларда) пудрат ишлари бажарилди.*
- *Аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши 91,5 фоизга, табиий газ билан эса 80,3 фоизга етди.*
- *Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 579,5 минг гектар. Шундан 332,9 минг гектари ҳайдаладиган, 34,6 минг гектари лалми ерлардир.*
- *Утган йилда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 201,3 миллиард сўмга етди.*
- *Қишлоқда бозор муносабатлари ривожланмоқда: 145 та жамоа хўжалиги ширкатларга айлантирилди. 3684 та фермер хўжаликлари ва 323,1 минг деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.*
- *Чакана савдо айланмаси 176,5 миллиард сўмга етди. Аҳоли жон бошига 74,3 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.*
- *Вилоят аҳамиятига эга автомобиль йўлларининг узунлиги — 3675 км.*
- *Ўтган йили 36135 янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунинг 21504 таси қишлоқ жойлардадир.*
- *2000 йилда 68 та узоқ ва 11 та яқин хориж мамлакатлари билан савдо алоқалари олиб борилди.*
- *Вилоятда айни кезда 134 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми 30,4 миллиард сўмдан ошиб кетди.*



Тункент археологик ёдгорликларида қазиш ишлари.

ЖАРАЁН

ТАЪЛИМГА ТАМАЛ ТОШ

Мустақиллик ҳар бир қалбда юрт ишига камарбасталикни, касбига ва ишига фидойиликни қарор топтирди. Таълим соҳасидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар қурилишларидаги шиддатли суръатлар бунинг исботи.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга ошириш, халқ хўжалигига етук малакали мутахассислар тайёрлашда қўл келаяпти. Айни кезда вилоятда 12 йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган 67 та ўқув муассасалари фаолият кўрсатса, ана шундан 20 таси 1998, 1999, 2000 йилларда ва жорий йилнинг тўрт ойида қуриб фойдаланишга топширилди. Албатта, таълимдаги бу ишлар яқин орада ўз ижобий самарасини беради. Шу боисдан бу соҳага сарф этилаётган ҳар бир сўм келажакда миллионлар бўлиб қайтиши аниқ.

СУРАТЛАРДА: 1. Куйичирчиқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари мана шундай компьютерлашган хоналарда сабоқ олишади.

2. Ангрен шаҳар академик лицейи биноси.

3. Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежида металлга ишлов бериш йўналишидаги 11-гуруҳ ўқувчилари дарс жараёни.

АРМОНЛАР УШАЛМОҚДА

Инсон ҳаётини ирмоққа қиёсласа бўлади. Ирмоқлар борки, тўлиб-тошиб оқади. Қайроқ тошларга урилса ҳам зилол ва поклигича қолаверади. У саховатли замин бағрини гуллаб-яшнатиш учун ошиқаётган улкан дарёга қўшилай деб шошади.

Ўсар Жўраевнинг ҳаёт йўли ана шундай эзгу ва зиёбахш ирмоққа монанд. Тошкентдаги қишлоқ хўжалик институтини битирганидан сўнг 20 йил Янгийўл туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов номидаги жамоа хўжалигини бошқарди.

Йигирма йил. Бу давр мобайнида ўзининг бутун борлиғини, қалб ҳароратини, юрак меҳрини бахш этишнинг ўзи бўлмаган, албатта.

Ўзидан яхши излар қолдириш, барча машаққатларга дош бериш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Фақат кучли ирода, жасорат эгалари шаънига «бир жойда кўкарибди», деган сўз ишлатилади.

Эндигина раислар тайёрлайдиган курсни тугатиб, жамоа хўжалигида фаолият бошлаган ёшгина Ўсарга хўжаликнинг ўша вақтидаги раиси раҳматли Ҳамроқул ака:

— Ўғлим, ўз касбингга меҳр қўйсанггина кишилар ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўласан, бир жойда кўкарасан. Бундан дилинг яйрайди, кучингга куч қўшилаверади, — дея маслаҳат берган эди.

Устознинг насиҳатларини дастуриламал қилиб олган ёш йигит ҳақиқатан ҳам кам бўлмади. Хўжаликда бош ҳосилот бўлиб иш бошлаган ёшгина ўспирин хўжалик раиси лавозимига кўтарилди. Ўсар ака раҳбарлик қилган йилларда Ҳамроқул Турсунқулов номидаги жамоа хўжалиги маҳсулот етиштириш бўйича барча кўрсаткичларни ошириб бажарди. Жамоа республиканинг кўзга кўринган, бақувват хўжаликларидан бирига айланди.

Ўсар Жўраев доимо эл-улус билан бамаслаҳат иш қилди. Бировни ака, бировни ука деди. Умрини эзгу ишлар йўлида аямади.

Афсуски, Ўзбекистон осмонига қора булутлар ёпирилиб келган йиллари, яъни бундан ўн беш йил аввал, Ўсар Жўраевни ҳам сурсур қилиб, қамоққа олишди. Пахтани қўшиб ёзгансан, давлат гўшт планини бажариш учун хўжалик ишчиларидан гўшт сотиб олгансан, деган сохта айбларни қўйишди.

Ўсар ака ана шундай туҳматга учраб қамалгач, кўп вақт ўтмай оламдан ўтди. Дардларини ҳам, аламу армонларини ҳам ўзи билан олиб кетди.

Янгийўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Фозилов шундай ҳикоя қилади:

— Ўтганларни хотирлаш, руҳини шод этиш бугун тирикларнинг бурчи. Умрлар бўладики, бир куни асрга татигулик. Ўз умрини хайрли ишларга бағишлаб ўтган Ўсар Жўраев ҳам ана шундай фидойи инсонлардан бири эди. У ҳақиқий маънода мустақиллигимиз учун жонини фидо қилганлардан. У қаерда камчилик бўлса, ўша камчилик бартараф этилмагунча шийпон демай, яйлов демай шу ерда тунаб қоларди. Эл-улус ташвишига камарбаста инсон эди.

— Отам хушмуомала, танти эди, — дея армон билан эслайди унинг ўғли, айни пайтда Ҳамроқул Турсунқулов жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Комилжон Жўраев. — Эрта тонгда туриб кеч қайтарди. Шу сабабли у кишини кам кўрардик. Ўзимча, бошқа болаларга ҳавас билан боқардим. Ғоҳиғоҳида бозорга ҳам, шаҳарга ҳам онам билан бирга боришимга тўғри келарди. Ота бўлганимдан сўнг бу ҳақиқатни энди тушунгандай бўлаяпман...

Бу хўжаликда Ўсар Жўраевнинг муборак излари ҳар қадамда кўринади. Энг муҳими, унинг амалга ошира олмаган ишларини фарзандлари, шогирдлари давом эттирмоқда, армонлари ушалмоқда.



Пскент туманидаги истибдод даврида бузиб юборилган Хасти Бузрук мадрасаси бугун қайтадан тикланмоқда.

ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ЮКСАЛИШ

«ЎНИНЧИ ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ПАРВАРИШЛАЯПМИЗ»

Алишер Навоий ширкат хўжалиги Пскент туманидаги илғор жамоалардан биридир. Ўтган йили туман вилоятда пахта тайёрлаш режасини биринчи ўринда уддалаганлигини ҳисобга олсак, хўжаликнинг вилоятда ҳам ўзига яраша салмоғи бор.

— 1991 йилнинг мартида ушбу хўжаликка раис этиб сайландим. Бу йил ўнинчи бор уруғни ерга қадаб, парваришлаяпмиз, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Мирзаали Халилов. — Лекин бирон йил йўқки, режа барча соҳаларда бажарилмай қолган бўлса. Жорий йилда ҳам мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланишини ҳисобга олиб олдингиларига қараганда юқори унум билан ишлаяпмиз.

Ўтган йили жами 320 миллион сўм даромад қилдик. Буни хўжалигимизнинг 1,5 минг аъзосига бўлсак, ҳар бир кишининг ушбу даромадга қўшган ҳиссаси 213 минг сўмни ташкил этади.

Албатта, бу ютуқлар Президентимиз ташаббуси билан тармоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасидир. Иш юритишимизда пай, ижара, оилавий пудрат каби илғор усулларга ўтилганлиги кўрсаткичларнинг яхшиланишига ёрдам бераётир. Қишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Энди ҳар бир ишловчининг жамоада ўз улуши бор.

2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ОНА СУТИ БЕБАҲО

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳукуматимиз соғлиқни сақлаш тизимига энг долзарб масалалардан бири сифатида қараб келмоқда. Ўтган 10 йилда Тошкент вилоятида ҳам бу борада ижобий ўзгаришлар қилинди. Вилоятда шу йиллар давомида касалхоналар сони 102 тага, қуввати — 11559 ўринга, поликлиникалар сони 366 тага, хусусийлари эса 69 тага етди.

Янгийўл марказий шифохонаси мамлакатимизда биринчилардан бўлиб Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Ҳамда халқаро ташкилотнинг «Болага дўстона муносабатда бўлувчи шифохона» сертификатини олишга мушарраф бўлди. Бундай муваффақиятга марказий шифохона жамоаси «Оналар ва болалар» йилида амалга ошираётган иш дастури асосида эришди. Мактаб ва маҳаллаларда, корхона, ташкилотларда тиббий тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги, шунга оид қўлланма, тавсияномалар тарқатилаётгани бунда қўл келди. Энг муҳими, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш намунали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган жорий йилнинг ўзида 120 дан ошиқ жуфт келин-куёв тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг баъзиларида гепатит, бўқоқ ва бошқа касалликлар борлигини аниқлаб даволадик, — дейди мазкур шифохона бош врачи Низом Абдуллаев. — Бу борада ҳам узлуксиз иш олиб бораяпмиз.

Суратларда: *Янгийўл марказий шифохонаси фаолиятидан лавҳалар.*

ҲУШЁРЛИК

ЮРТ ТИНЧ БЎЛСИН

«Менинг учун юртимнинг тинчлиги, халқимнинг омонлигидан ортиқ бахт йўқ».

Юртбошимиз ҳамиша такрор ва такрор айтадиган сўзлар бу! Мамлакатимизда озодлик эпкинлари эса бошлаган кундан бошлаб юрт тинчлиги, эл хотиржамлиги йўлида улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу борадаги улуғ ишлар мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш демакдир.

Буни Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари олиб бораётган ишлардан ҳам билса бўлади.

— Халқ фаровонлигини таъминлашда республика раҳбарияти олиб бораётган ишларга салбий таъсир воситаларидан бири жиноятчиликдир, — дейди вилоят ИИБ бошлиғи Шораҳим Расулов. — Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 113-қарорига асосан вилоятда ИИБ томонидан жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, осойишталикни ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоят ҳудудида 757 та маҳалла посбони жамоат тузилмалари ташкил этилган.

Биргина жорий йилнинг 4 ойи ичида маҳалла посбонлари ёрдамида 154 та жиноятнинг олди олинган бўлса, 100 тага яқин содир этилган жиноятлар улар ёрдамида очилди. Бир қанча ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Шунингдек, посбонлар томонидан 3,5 мингга яқин турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар ички ишлар идораларига келтирилди.

Албатта, осойишталик ҳимоячиларига яқин кўмакчи бўлаётган маҳалла посбонлари ички ишлар идоралари томонидан муносиб тақдирланяпти. Масалан, шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида 14 нафар посбонга ички ишлар идораларига хизматга ва ўқишга йўлланма берилган, 15 нафар посбон эса моддий жиҳатдан рағбатлантирилган.

Президентимизнинг Тошкент вилояти аҳли билан учрашувда айтган яна бир гапи бор.

«Айни пайтда, Янгиобод воқеалари бизни янада огоҳ бўлишга, ҳушёрликни асло йўқотмасликка даъват этади. Юрт осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат Қуролли Кучлар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас. Бу — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Маҳалла посбонлари ва чегарачиларга ёрдам берувчи кўнгиллилар ишини янада фаоллаштириш, бу ишда кенг жамоатчиликни жалб этиш — энг долзарб масаладир».

Дарҳақиқат шундай. Ватан сарҳадлари тинч бўлса, халқимиз омон бўлади, юртимиз гуллаб-яшнайди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан берилган «Жанговар байроқ»ни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги Зокиржон Алматов Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Шораҳим Расуловга топширмоқда.

2. Истиқлолимизни асрашга ўз жонини тиккан янгиободлик уч қаҳрамон — В. Говорухин, Б. Пўлатов, А.Қорабоевларга ўрнатилган ёдгорлик пойидан гуллар аримайди.

ПИЛЛАПОЯ

ҚАЙТА ТУҒИЛАЁТГАН ТЕХНОЛОГИЯ

Ёдингизда бўлса керак, бир пайтлар пахта ишлаб чиқариш бўйича «Тошкент технологияси» деган атама мавжуд эди. Лекин бу атама ўша замон руҳига мос баландпарвоз гаплар, хитоблар соясида қолиб кетарди.

Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача, барча туманларда ташкил этилган машина-трактор паркларидаги техникалар ёрдамида мўл ҳосил етиштиришга имконият бор.

Тошкент вилоятида дастлабки МТПларнинг ташкил этилган даври 1997 йилда 39 та «Магнум» ер ҳайдаш техникалари, 53 та «Кейс» дон ўриш комбайнлари мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб «Магнум» ер ҳайдов тракторлари 162 тани, «Кейс» ғалла ўриш комбайни 124 тани, «Кейс» пахта териш машиналари 185 тани ташкил этди.

Ўтган икки йилда МТПлар ўз самарасини қандай кўрсатди? Мавжуд 162 та «Магнум» тракторлари билан 1999 йилда 203.726 гектар майдон шудгор қилинган бўлса, 2000 йил ана шу миқдордаги техника билан 235.396 гектар ер ҳайдалди. Пахта теришда ва ғаллани ўриб йиғиштириб олишда ҳам худди шундай бўлди.

— Биз мулк шаклидан қатъи назар иш юритаётган барча деҳқонларнинг яқин кўмакчиси бўлишга интилаяпмиз, — дейди Тошкент вилояти «МТПлари бирлашмаси» ОАЖ раиси Усмон Холов. — Бунинг учун 2001-2003 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиққанмиз. Дастурга мувофиқ мавжуд хориж техникаларини ишлатиш таннархини камайтиришни ҳамда зарурий эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 20 дан ошиқ эҳтиёт қисмлар ўзимизда тайёрланмоқда.

Яна таҳлилга ўтамиз: МТПлар дастлабки даврда ҳар бир техника учун ўрган ғалласига ёки терган пахтасининг ҳар бир тоннасига қараб пул олган бўлса, эндиликда гектарига ҳақ тўланмоқда. Бу эса МТП техникалари билан шартнома тузган деҳқоннинг ҳар гектар ердан ҳосилдорликни оширишга ҳаракатини кучайтирди.

РОСТ ГАП

Ўн йил. Кўҳна тарих учун бу жуда қисқа фурсат. Лекин бу фурсат ичида оламшумул ютуқларга эришганимиз рост. Юртбошимиз 1995 йилнинг 9 январида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи ҳалиҳамон бу юртнинг асл ўғлонлари қалбига чўғ ташлаб турибди десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Бугун орадан 6 йилдан зиёд вақт ўтганлигини ҳисобга олсак вилоятнинг қай бир соҳасида ўсиш бўлди-ю, қай бирида орқага кетиш юз берди. Бугун катта-кичик раҳбарларнинг иш тутимига нима дея оламиз? Чунки 1993 декабрида Президентимиз Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувида ҳам вилоят халқ хўжалик соҳаларидаги кўрсаткичлар йилдан-йилга пасайиб бораётганлигини айтиб ўтган эдилар. Хўш, кейинги йилларда қандай ўзгаришлар юз берди?

Энг аввало, Тошкент вилоятини мамлакатимизнинг саноати ривожланган ҳудудлардан бири эканлигини айтиб ўтиш керак. Вилоят саноатида 1999 йилда 217 корхона фаолият юргизиб уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 150,3 миллиард сўмга тенг бўлди.

Ўтган йилда саноат корхоналари 5 тага камайган бўлса-да, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча ошди.

Саноатнинг етакчи тармоқлари энергетика, машинасозлик тор-металлургия, кимё тикувчилик, пойабзал, шунингдек пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган энг йирик корхоналардан Чирчиқда Электрокимё саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, Ангренда очиқ кўмир кони ва «Резинатехника», Олмаликда Кон-металлургия комбинати ва «Аммофос», Янгийўлда Биокимё заводи ва «Лаззат», Бекободда Ўзбекистон металлургия комбинати сингари 140 та йирик корхоналар 93,2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди.

Вилоятда асосий тармоқлардан яна бири қишлоқ хўжалигидир. Бошоқли дон етиштиришда ҳам силжиш бўлди. Масалан, 1995 йил бошоқли дон 65697 гектар ерга экилиб, гектаридан 25,7 центнердан 168654 тонна ғалла олинди. 2000 йилда 66305 гектар ернинг ўртача ҳар гектаридан 29,7 центнердан 197031 тонна ҳосил олишга эришилди. Ўсиш беш йилда 4 центнерни ташкил этди. Бироқ, пахтачиликда бу йиллар давомида орқага кетиш, яъни ҳар бир гектар ердан етиштирилган пахта ҳосили 2,1 центнерга пасайиши юз берди. Тармоқдаги кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, 1995 йилда 94938 гектар ерга экилган чигитдан гектаридан 25,3 центнердан 240620 тонна пахта йиғиштириб олинган. 2000 йилга келиб деҳқонлар 85260 гектар ерга чигит қадашиб, гектаридан 23,2 центнердан 198211 тонна ҳосил тўпладилар.

Тошкент вилоятининг қатор туман ва хўжаликлари сабзавотчиликка ихтисослаштирилган. Президентимиз 1995 йил январидаги сессияда «1994 йили 1993 йилга нисбатан вилоятда 22,5 минг тонна сабзавот, 16 минг тонна картошка, минг тонна узум кам етиштирилди. Агар Тошкент вилоятида сабзавотчилик шу суръатлар билан ривож топадиган бўлса, Тошкент шаҳрининг 2 млн. 300 минг кишилик аҳолисини таъминоти у ерда турсин, вилоят аҳолисини боқиш ҳам амри маҳолдир» деган эдилар. Бироқ, бу тармоқдаги кўрсаткичларга ҳам назар ташласак, кўнгил тўлмайди. Масалан, картошка етиштириш 1994 йили 2672 гектар, 1995 йил 785 гектар, 2000 йилга келиб эса 372 гектарга тушиб қолган.

Сабзавотчилик 1995 йил 2649 гектар, 2000 йилда 1658 гектарга, узумзорлар эса 241 гектардан 160 гектарга камайиб кетган. Хўш, нега бу тармоқларда иш юритаётган ёки бевосита тармоқ билан боғлиқ раҳбарлар бундай ҳолатларга йўл қўймоқда?

Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида «Ким эл-юрт манфаати учун чинаккам қайғураяпти-ю, ким қуруқ, ҳавойи ваъдалар билан ўз мақсадини кўзлаяпти — одамлар сезиб, билиб турадилар», — деган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Номақбул қилиқлар қилиб юрган раҳбарларни халқ яхши билади. Уларнинг қийшиқ башараси уларга маълум.

Мустақилликни мустаҳкамлаш юрак-юракдан бўлиши лозим. Ундан ифтихор туйғуси ҳар биримиздаги мавж урмоқлиги қандай яхши!

Ғазалкентдаги «Конмит» қўшма корхонаси

ЧУЧУК СУВНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Инглиз қироличаси Екатерина I XVI асрдаёқ кимда-ким чучук сув олишнинг арзон усулини кашф этса, унга 10 минг фунт стерлинг миқдорида мукофот ваъда этган. Бундай миқдордаги пул, бизнинг кунларда ҳам каттагина маблағ бўлишига қарамай, ўша пайтда қиролича томонидан ажратилган 10 минг фунт стерлинг ҳалигача давлат хазинасида ўз кашфиётчисини кутиб ётибди.

Бу борадаги муаммо энди-энди бизда ҳам юз кўрсата бошлади. Чучук сув — тоза ичимлик сувига бўлган талаб Тошкент вилояти туманларида ҳам орта бошлади.

Биз яқинда Оққўрғон туманида бўлганимизда тоза ичимлик сувидан мақсадсиз фойдаланилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Туманнинг Султонобод ширкат хўжалиги ҳудудида саккиз жойда ер остидан тоза ичимлик сув отилиб ётибди. Наҳотки, ушбу ичимлик сувларини аҳоли манфаатига йўналтириш қийин бўлса?!

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деб шунга айтсалар керак-да...

МУАММО

Оққўрғон тумани Султонобод ширкат хўжалиги ҳудудида тоза ичимлик сувдан мақсадсиз фойдаланилаётганлигини кўриб турибсиз.

Зангиота туманидаги «Гидравлика» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотлари бугун харидоргир.

Кўш саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ тайёрлади. Суратлар муаллифи Улуғбек ЖУМАЕВ.

НАВБАТ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИГА

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

БОТУЛИЗМ

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНИНГ!

Ботулизм овқатдан заҳарланиш натижасида пайдо бўладиган ўткир юқумли касалликдир. У марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади. Касаллик оқибати фалажга олиб келиши ва ўлим билан тугаши ҳам мумкин. Ҳозирги пайтда ботулизм микробининг 7 тури фанда маълум.

Ботулизм таёқчалари ташқи муҳитда чидамли қобиқ ҳосил қилиб ўралиб олади, кўп йил яшайди. Бу микроб ўзидан жуда кучли заҳар — ботулинотоксин ишлаб чиқаради.

Ботулизм таёқчалари ҳайвон ичакларида кўпаяди ва ахлати билан ташқарига тушиб, тупроқни, ўт-ўланларни, экинларни зарарлайди. Улар шу шароитда спора ҳосил қилади. Шундай қилиб, микроблар озиқ-овқат маҳсулотлари орқали тарқайди.

Консерва маҳсулотларини истеъмол қилишда эҳтиёт бўлиш лозим. Консерва банкасидаги кислородсиз муҳит ботулизм микробининг ривожланиши, кўпайиши ҳамда кучли заҳар ботулинотоксин ажралиб чиқишига шароит яратади. Касаллик одамдан одамга юқмайди. Демак, бу касаллик билан оғриган бемор атрофидагилар учун хавфли эмас. Одам организмига тушган токсин меъда ва ичакда тез сўрилиб, қонга ва бошқа аъзоларга ўтади, тўқималарни, аввало асаб тизими фаолиятини бузади. Ботулизм касаллиги дастлаб яширин кечади. У 2 соатдан 8-10 кунгача чўзилиши мумкин.

Одатда касаллик тўсатдан бошланади, беморнинг мускуллари оғрийди, кўнгли айнийди, қусади ҳамда меъдада оғриқ сезади. Кўпчилик беморлар бош оғриғи, бош айланиши, баъзида юраги тўхтаб қолгандек бўлаётганидан шикоят қилади. Бундан ташқари оғиз қурийди, ҳолсизлик сезилади. Шунга қарамай тана ҳарорати кўтарилмайди. Аста ботулизмга хос белгилар пайдо бўлади, яъни кўз хиралашиши кузатилади. Нарсалар қўшалоқ бўлиб кўринади. Бундан ташқари беморда ғилайлик, кўз қорачиғининг кенгайиши кузатилади. Юз ва тил бир томонга тортилиб кетади. Гапириш ва ютиниш қийинлашади. Овози бўғиқ чиқади. Қон босим ошади. Касаллик ривожлангач, беморнинг нафас олиши қийинлашади. Кўкрак қафаси қисаётганлигини сезади. Агар беморга вақтида тиббий ёрдам кўрсатилса, уни дарддан қутқариш мумкин. Акс ҳолда бу дард ўлимга олиб келади.

Касалликнинг олдини олиш ўз қўлимизда. Бунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини, хомашёларни қайта ишлашда, ташишда, сақлашда ва улардан овқат тайёрлаш жараёнида озодалик, санитария гигиенанинг асосий қоидаларига қатъий риоя қилиш шарт.

■ **Маҳаматжон ЗОЙИРОВ,**
Сергели туман ДСЭНМ бош врачи,
Зоҳиджон РЎЗМЕТОВ,
овқатланиш гигиенаси бўлими мудири

ДИҚҚАТ: САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИ

Икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон — Швейцария дўстлик жамияти Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Сиз Швейцария ҳақида нималар биласиз?» мавзуидаги викторинани ўтказаяпти. 19 июль куни саволларнинг тўғри жавоблари, 26 июлда эса ғолиблар эълон қилинади. Викторина ғолибларига совринлар Швейцариянинг «Конфедерация куни»га бағишланган тадбирда тақдим этилади. Викторинанинг асосий ҳомийлари:

1. «Ciba махсус кимёвий маҳсулотлари» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **Соврин — «Самсунг» фирмасида ишлаб чиқарилган фотоаппарат, плёнкалари билан.**

2. «Ўзбекистон почтаси» ДАУ. **Соврин— «PANASONIC» телефони, «Caller ID System» билан «Rowenta» фирмаси ишлаб чиқарган дазмол.**

3. Алексей Назаров номидаги тиббий марказ. **Соврин — шейпинг ва бошқа машғулотлар учун ойлик рухсатнома.**

4. «Nestle» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. **5 та рағбатлантирувчи соврин — Nescafe савдо белгиси туширилган кружка ва соатлар.**

5. Маълумотлар тарқатиш бўйича ҳомий: **«Ўзбекистон овози» ва «ПрессТИЖ» газеталари ҳамда «Гранд» радиоси.**

Викторина шартлари:

Тўғри жавобларнинг тагига чизиб, купонни тўлдиринг ва эълон қилинган кундан бошлаб 7 кун давомида конвертни почта орқали жўнатиб юборинг (жавобнинг юборилган куни штемпель билан кўрсатилган бўлиши керак).

Белгиланган муддатгача юборилмаган жавоблар ҳисобга олинмайди.

Жавобларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-«а» уй.
«Ўзбекистон — Швейцария» дўстлик жамияти

КУПОН

Ф. И. Ш.: _____
Манзил _____
_____

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР:

1. Швейцариянинг қайси шаҳрида суд ҳокимияти жойлашган?
а) Берн б) Лозанна в) Цюрих

2. Швейцария аҳолисининг зичлиги 1 кв. км. да...
а) 113,5 б) 201,2 в) 168,8

3. Швейцариянинг қайси олими 1986 йили физика соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган?
а) Вернер Арбер б) Волфганг Паули
в) Хайнрих Рорер

4. «Блик» газетаси қандай газета турига киради?
а) хиёбон газетаси б) илмий газета
в) адабий газета

5. Швейцария пишлоқларининг қайси турларини биласиз?
а) грюйер, эмментал, тилсит
б) камемберт, брусс, кайе
в) кайеботт, коттаж, фета

6. Швейцарияда тайёрланадиган қайси вино турларини биласиз?
а) бордо, бургон, шампан
б) пикколо, пикрит, пинар
в) сепаж пино, гамей, мерло

INTER-SPORT

ФУТБОЛ — ДЎСТЛИК РИШТАСИ

Жанубий Корея ва Японияда 2002 йилда ўтказилиши мўлжалланаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари ҳал қилувчи паллага кирди. Кореяликлар жаҳон чемпионатига катта қизиқиш билан тайёргарлик кўришмоқда. Жанубий Кореянинг Сеул, Бусан, Улсан ва бошқа шаҳарларидаги футбол майдонлари қурилиши жадаллаштирилган. Осиёдаги энг катта стадион деб эътироф этилаётган «Сангам-донг»га 63.930 киши сиғади.

Халқаро футбол федерациясининг аъзоси Даниэл Руф бу ерда қилинаётган ишларни кузатар экан, «бу иншоотлар стадиондан кўра катта театрларга ўхшаб кетади», деб эътироф этди. Стадионлар замонавий ва миллийликни ўзида акс эттирмоқда.

ЕВРОПАДА ЯНА БИР МИШ-МИШ

Европа матбуотида «Арсенал» футбол клубининг марказий ўйинчиси Патрик Вейри ҳақида турли хил миш-мишлар юрибди. «Би-Би-Си» мухбирига берган интервьюсида у: «Мен бу футбол мавсумида «Арсенал» номидан ўйинга тушмайман. Командани ташлаб кетаяпман ва буни улар билишади,» — деб айтган. Аммо «Арсенал» мураббийлари бундан бехабар эканликларини билдиришган ёки билсалар ҳам буни ҳозирча сир сақлашмоқда. Бош мураббий Арсен Венгер ўтган ҳафта финал ўйинларига бюджетдан 25 миллион доллар сарфлангани ва бундан клуб ўйинчилари қатори Вейри ҳам хурсанд эканини таъкидлаган. Лекин Вейри бу клубни ташлаб кетаётганидан мамнун экан. У Италияга ҳам, Лондондаги бошқа клубларга ҳам ўтмаслигини маълум қилди. Шунга қарамай, «Реал», «Барселона», «Манчестер Юнайтед» клублари бу футболчини ўзларига жон-жон деб қабул қилишларини маълум қилишмоқда

Патрик Вейринг АҚШ командаларидан бирига ўтиб кетиш эҳтимоли бор.

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**

INTER-SPORT

МУТОЛАА ЗАВҚИ

ИККИ ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот нашрлари маънавий кўмакчи, тарғиботнинг таъсирчан усулларидан бири бўлиб қолди.

Республика Халқ таълими вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси нашри ҳисобланмиш «Соғлом авлод учун» ва мазкур нашрнинг иловаси — «Мактабгача таълим» журнали янги сонлари мутолаасидан сўнг бунга сиз ҳам амин бўласиз.

Жамиятда кечаётган тарихий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этиш, ижтимоий фикрни шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш концепцияларини ҳаётга татбиқ этиш ва бунинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш борасида мазкур нашрлар томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик.

Мана шу олижаноб мақсадлар ҳар икки нашрнинг янги сонларида ҳам ўзига хос ифодасини топган. Хусусан, «Соғлом авлод учун» журналининг янги сони Юртбошимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг бажарилиши тўғрисидаги фикрлари билан очилади. «Улар Ўзбекистонни ғойибона севиб қолишди», «Баркамол онадан — соғлом бола», «Муқаддас мақсадлар сари» каби мақолаларда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги изланишлар, таълимни ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этиш ва навқирон авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш жараёнидаги ислоҳотлар атрофлича ёритилади.

«Мактабгача таълим» журналининг янги сонида ҳам педагогиканинг асосий тизимлари, ёшлар онгига таъсир этишнинг йўл-йўриқлари илмий-амалий йўналишда талқин этилади. Нашрнинг ибратли ишларидан бири, лотин алифбосида чоп этиладиган «Болалар боғчалари учун бадиий адабиёт намуналари» рукнининг ташкил этилганидир. Журналнинг мазкур сонида ана шу рукн остида чоп этилган халқимизнинг севимли шоир-ёзувчилари Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Азим Суюн, Анвар Обиджон, Йўлдош Сулаймон, Турсунбой Адашбоевларнинг шеър ва ҳикоялари болалар боғчалари тарбиячилари учун маърифий кўмакчи вазифасини ўтайди. Бир сўз билан айтганда, мазкур журналларнинг мутолааси тафаккурингиз бойишига хизмат қилади.

■ **Шуҳрат ТЎПАЕВ**

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Ҳурматли хорижлик ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Савдолар 2001 йил 31 июль, 8 август кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга чет эл инвесторларига, эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Алимов кўчаси 22 «А» уйда жойлашган, 3-сонли автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.
Бошланғич баҳоси — 277036,0 АҚШ доллари.
2. Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Гулбаҳор қўрғонида жойлашган, Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.
Бошланғич баҳоси — 285865,4 АҚШ доллари.
3. Андижон шаҳри, Кумакай қўрғонида жойлашган, Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.
Бошланғич баҳоси — 360072,4 АҚШ доллари.
4. Жиззах шаҳри Тошкент кўчаси, 114-уйда жойлашган, Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.
Бошланғич баҳоси — 239866,2 АҚШ доллари.
5. Навоий шаҳри, «Навоийазот» химия комбинатининг саноат зонасида жойлашган, Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияси.
Бошланғич баҳоси — 335666,3 АҚШ доллари.

Ушбу объєктларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 1 соат қолганида тўхтатилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75
Факс: 136-06-17

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

СИЗ АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳа, тўғри тонгингиз — бу давлат-тижорат Халқ банкидир.

2001 йил 1 мартдан мижозлар эътиборига ҳавола этилган Халқ банкининг «Аср совғаси», «Бахтли болалик», «Кексалик ғашти» омонатлари қисқа давр ичида замондошларимизнинг ҳаётбахш умидларини ҳақиқатга айланишида яқин молиявий кўмакдошга айланди. Ушбу омонат турлари бўйича 3 ой муддат ичида 15 мингдан зиёд ҳисоб рақамлари очилганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Халқ билан ҳамнафас Халқ банки Ватандошларимизга янги турдаги «Кафолат» омонатини тақдим этади. «Кафолат» омонатига 10 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда кирим бадали қўйиб, ойлик 2 фоиз миқдордаги даромадлар соҳиби бўласиз. Мазкур омонат олти ойлик муддатга қабул қилиниб, сақлаш муддати тугагач, Сизнинг мурожаатингизсиз ҳам банк омонат қолдиғига фоиз даромадларини қўшади ва омонатни кейинги муддатга узайтиради.

«Кафолат» омонати — Сизнинг орзуингизни қисқа муддатда рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!

Кафолатли банкнинг кафолатли омонатлари доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.

2001 йил 28 июнь соат 10.00 да «Ўзенгилсавдо» ОАЖнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзенгилсаноатсавдо» ОАЖнинг ташкил топиши ҳақида.
2. «Ўзенгилсаноатсавдо» ОАЖ бошқарув органини сайлаш.
3. Турли масалалар.

Акциядорларни рўйхатга олиш 28 июнь куни соат 9.00да бошланади. Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати акциядорлар реестрининг 2001 йил 28 май ҳолатига кўра тузилган.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Мажлисга тайёргарлик ҳақида ахборотни 50-17-97 телефон орқали олиш мумкин.

ДАРВИН СОДИҚОВИЧ ҒУЛОМОВ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, академик В. Воҳидов номидаги хирургия илмий маркази, Ўзбекистон Республикаси жарроҳлар уюшмаси Хирургия илмий маркази юрак жарроҳлиги бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дарвин Содиқовичнинг бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

Дарвин Содиқович 1929 йил 15 февралда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. У 1953 йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини муваффақиятли тамомлади. Зеро, унинг тақдири хирургия тараққиёти билан боғланди.

Ёш бўлишига қарамай илмга чанқоқ, иқтидор соҳиби Дарвин Ғуломов 1953 йили ТошМИ даволаш факультетининг умумий хирургия кафедрасига клиник ординатор сифатида ишга қабул қилинади. Ўша йиллари омади чопган бу йигитнинг тақдири ўзбек халқининг ифтихори, ажойиб инсон, моҳир жаррох, тажрибали устоз Восит Воҳидович Воҳидов билан боғланди.

50-60 йиллар давомида Дарвин Содиқович устозлари Восит Воҳидов раҳнамолигида нафақат республика, балки Ўрта Осиёда илк бор ўпка ва бронхлар хасталикларини даволашда жарроҳлик услубини қўллайди.

Дарвин Ғуломов шу йиллари хирургияда илмий изланиш, янгиликлар яратиш каби сермашаққат ишларга қўл уради. 1965 йили «Ўпканинг йиринглик касалликларида консерватив ва оператив даволашдан сўнг қондаги газлар ҳолати» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Энди ёш олим амалий ишга астойдил киришиб ўша вақтларда юртимизда эндигина расм бўлаётган эндотрахеал наркоз бериш, антестезиология ва реанимация муаммолари, юракнинг туғма ва орттирилган хасталикларини ташҳислаш ва кооператив даволаш масалаларини ўрганади, амалиётга татбиқ қила бошлайди.

Узоқни кўзловчи, буюк стратег Восит Воҳидов ёш олимдаги интилиш, дунёқарашидаги илғорликни илғаб Дарвин Ғуломовни Москвага, А. Вишневский номидаги хирургия институтига юрак нуқсонларини ташҳислаш ва операция қилиш усулларини чуқурроқ эгаллаш учун илмий сафарга, докторантурага йўллади. Бу сафарни Дарвин 1973 йили тиббиёт фанлари доктори сифатида якунлаб қайтди.

Шу йиллар у устози Восит Воҳидович бошчилигида Ўрта Осиёда биринчилардан бўлиб танани совутиш, яъни гипотермия услубини қўллаб, ўпка артерияси клапани торайиб қолган тешигини юракни тўхтатиб, кўз билан кўриб кенгайтириш, яъни валвулопластика амалиётини бажарадилар. Нормотермик сунъий қон айлантириш шароитида юрак бўлмачалари ва қоринчаларияро дефектларини беркитиш, юракнинг митрал қалпоқчасини сунъий механик протез билан алмаштириш каби ғаройиб операцияларни биринчи бор қўллайдилар.

80-йиллар охирларида Дарвин Содиқовичнинг ҳаётида яна бир саҳифа очилади. Бўлимда унинг бошчилигида Фалло тетрадаси, ўпка веналарининг аномал дренажи, митрал ва аортал қопқоқчаларини бир йўла сунъий протез билан алмаштириш каби мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилади.

Профессор Д. Ғуломов Ўзбекистон кардиохирурглар мактабини яратди. У кишининг раҳнамолигида 15 та номзодлик, 6 та докторлик диссертациялари ёқланган. У иккита монография ва 300 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган. Олимнинг фидойи хизматлари муносиб тақдирланган. 1989 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», 1990 йили «Хизмат кўрсатган ихтирочи» унвони берилган. Соғлиқни сақлаш аълочиси, Республика Вазирлар Маҳкамасининг фахрий ёрлиғи, «Ҳурмат белгиси» ордени каби бир қанча мукофотларга сазовор бўлган.

Буюк олим, ажойиб инсон Дарвин Содиқович Ғуломовнинг беминнат хизматлари барча шифокорлар ва ундан шифо топган минглаб кишилар қалбида бир умр хотирага айланади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ

Ўзбекистон ФА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси илмий ходим М. Йўлдошевага акаси
Дарвин Содиқович ҒУЛОМОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Жуманазар Бекназаровга онаси
ДАВЛАТ момонинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ŌZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va elonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA